



# ТОШКЕНТ ХАЖУКАТИ

РУЗНОМА 1928 ИЛИ 11 ДЕКАБРАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ,  
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 125 (10.121). 1991 йил 2 июль • сешанба • Баҳоси 8 тийин.

## МЕХНАТ ҚИЗИЙ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ДЗЕРЖИНСКИЙ НОМЛИ БЕКОБОД ЦЕМЕНТ КОМБИНАТИ ЖАМОАСИГА

Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитети ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши цементчилар меҳнат жамоасининг қўлига тақдим этилган кўннинг 65 йиллиги билан чин қўлдан табриклиди. Сизнинг жамоангиз республикада халқ ҳўжалиги учун ўта зарур ва қадри қимматли ашё ишлаб чиқарувчи йирик жамоалардан бири ҳисобланади. Корхонангиз меҳнат сулолаларига хос анъаналар республика сарҳадларидан анча йироқларда ҳам машҳур.

Мураккаб иқтисодий вазиятга қарамай, Бекобод цементчиларининг шойли жамоаси иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш дастурини ҳаётга муваффақиятли тадбиқ этиб келаяптир.

Вилоят партия комитети бюроси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши номидан сизни юбилей билан табриқлайман ва олдингида турган вақфаларини шараф билан адо этасиз, деб ишонч билдираман.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят комитети биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси С. МАМАРАСУЛОВ.

## БИР КОРХОНА ХАВАРЛАРИ

### ЯНГИ ДАСТОҲЛАР ҲУНАТЛИҚДА

Корхонанинг биринчи тўқув фабрикасида СТБ-330 маркали 65 та янги дастоҳ ишга тушди. Янада тақомиллашган СТБ-180 типдаги янги дастоҳларни ўрнатилган эса давом этмоқда.

— Янги дастоҳлар шовқинсиз ишлабди, — дейди фабрика бош муҳандиси Р. Алимухамедов. — Улар фойдаланиш учун жуда қўлай. Бу дастоҳларда ишнинг қанчалигини тўғри равишда назорат қилиш мумкин. Булардан ташқари

уларда тўқилмайдиган маҳсулотлар харидорлар учун ҳам манзур бўлади. Янги дастоҳларнинг ҳар бири билан бир соғатда 7,57 метр таълама тўқилади. Бу шу вақтгача ишлаб чиқарилаётган АТ-100 5М типдаги дастоҳлар берадиган маҳсулотга нисбатан икки баробардан ҳам кўпдир. Биз ҳозир тўқувчиларни, соловчиларни, уста ёрдамчиларни бу дастоҳларда ишлашга ўргатайлиқ.

### ЎЗ ҲУМОҚДА СОЗ

Корхона маъмурияти ва жамоат ташкилотлари бу йил тўқувчилар фарзандларининг таълим ва тарбиясида қўлидан келганича ҳар томонлама шароитларни яратиб беришга ҳар қандай ҳаракатни қўйиб қўрмади. Бўстонликлар оромгоҳи маъмурияти тўқувчиларнинг 1320 нафар фарзандларини ўз бағрига олди. Ҳозир бу оромгоҳда тўқувчиларнинг 400 нафар фарзанди дам олмақда.

Ҳар бири 190 сўмдан ортиқ турадиган йўлларнинг қимматининг фақат 10 фоизини ота-оналар, қолганини эса насаба қўмитаси ва ижтимоий суғурта жамағатаси тўлайди. Болалар турли хил сайру-саёҳатларга боришди, шунингдек жумҳуриятимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари билан фарзандлари билан дўстлашди.

### ЖАМОА ШАРТНОМАСИ ТУЗИЛДИ

Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент тўқувчилар корхонасида 1991 йил жамоа шартномаси тузилди, унда белгиланган тадбирларни амалга оширишга киришилди. Бу йилги шартнома кўпроқ жамоа ижтимоий ҳаётини яхшилашга қаратилганлиги билан асосланганлигини анча фарқ қилади.


Унга мувофиқ йил давомида 15 минг тоннадан ортиқ қалава, 114,8 миллион метр хом сўри, 202,8 миллион метр тайёр таълама, 300 миллион дон шартли галтак ишлаб чиқарилади. Корхона томонидан олинган соф фойда 25 миллион сўмин ташкил этади. 1991 йилда корхона дав-

лат буюртмаси асосида 100 фова маҳсулотни жумҳурият аҳолисинга ва жумҳурият ташқирисига етказиб беради. Пардозлаш фабрикаси қурилиши давом эттирилади. Бу ерда 34,2 миллион сўм давлат қариди маблағи ўзлаштирилди. Корхонадаги эскирган ускуналари янгилашга 9,8 миллион сўм сарфланади. Булардан ташқари корхона ижтимоий ривожлантиришга ҳам катта ҳажмдаги маблағни сарфлаш назарда тутилган.

С. ОРНОВ,  
М. ХОЛИЕРОВ,  
Б. ОРНОВ,  
«Тўқувчилар овози»  
қўшуқсали рузномаси  
ҳодимлари.



## „УЧРАШУВЛАР“ АНЪАНАВИЙ БЎЛАДИ



Ўтган шанба куни «Учрашувлар» клубининг дастлабки машғулоти бўлиб ўтди. «Ўзбекистон Компартияси тарих саҳифалари» мавзусида муҳокама қилган мажлис машғулоти қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссиясининг аъзоси, партия ветерани Н. А. Муҳиддинов билан учрашди. Нотиқ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихи, унинг ҳозирги вазиятдаги фаолияти ва мавжуд сиёсий муаммолар ҳақида батафсил сўзлаб берди.

— Партия тарихи ҳақида қўйиб кетилган чоп этилган, — деди маърузачи. — Аммо уларнинг бирортаси ҳам ҳозирги давр талабларига жавоб бериши мумкин. Бу кўнларда таъқидий кўз билан қараб, қайта ўқиб чиқиш ва шу асосда ҳам жумҳурият ҳам партия тарихини қайта ёзиб чиқиш зарур бўлиб қолди. Бундай ишни ундай билангина олимлар, эшкунлар билади.

## АВВАЛО ИНТИЗОМ ВА ИШЧАНЛИК БЎЛСИН

(Оҳангарон район партия комитети пленумидан)

Ўзбекистон Компартияси ўзининг XXII съезди қарорларига таянган ҳолда аҳоли орасида сиёсий ташкилотли ишларни янада жонлантиришга, партиянинг обрў-эътиборини таъқидлашга, халқнинг ҳозирги мавжуд иқтисодий шартлоғларда ижтимоий ҳимояланганини таъминлашга алоҳида эътибор бериб келмоқда ва жумҳуриятдаги барча бошланғич партия ташкилотлари диққат эътиборини айнан шуларга қаратмоқда. Бу борада Оҳангарон район партия ташкилотли ҳам анча ишларни амалга оширмоқда. Район партия комитетининг бўлиб ўтган навбеддаги III пленумида ана шулар ҳақида батафсил тўхтаб ўтилди.

Район партия комитети Ўзбекистон Компартияси XXII съездининг иккинчи босқичида олинган қўйилган вазифалардан нелиб чиққан ҳолда ўз фаолиятини, ташкилий структурани янгилашга қўйиб қўйди. Ҳисобот-сўйлос конференциядан сўнг ўтган бир йилдан кўпроқ давр мобайнида аввало райком аппарати тенг яримга қисқартрилди. Авваллари ҳақ олиб ишлаган барча совхозларнинг партия комитетлари котиб-

лари энди жамоатчилик асосида ишлаб бошладилар. Бу билан партиянинг сиёсий ишлар қўламини ва маромини осясий қўламини йўқ қилгани йўқ. Аксинча партия ташкилотлари ҳақ орасига янада чуқурак кириб бориш, маъмурий-иқтисодий ва бунёдчилик услубларидан воз нечилади. Кун тартибидан биринчи масала — «Ўзбекистон Компартияси XXII съезди иккинчи босқичи қарорларини бажариш ва район партия комитетининг ҳозирги вазифалари» мавзуси бўйича сўзга чиққан район партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари Оҳангарон район Кенгашининг раиси С. Балашов аҳолининг партиянинг ижтимоий таъқидларини, бу ишнинг лутур етказмаслиги учун партия аъзоларининг, айниқса коммунист раҳбарларнинг ўз ишига масъулияти ва жавобгарлигини янада ошириш лозимлигини ўқитди. Район партия комитетининг аҳоли билан ошқора, рўй-рост мулоқотда бўлаётгани ҳам унинг нуфузи янада ошиб боришига хизмат қилмоқда.

Нотиқ шундай бир мисол келтирди: 1990 йилда район бўйича 18 киши партиядан ихтиёрли равишда чиқди. Бу йил эса икки киши партия билетини тошқирди. Айни пайтда ўтган йили 36 киши, бу йилнинг 6 ойи мобайнида эса 40 киши партия сафларига қабул қилинди. Шунинг қувончилиги, КПСС сафларига ўзгаришларнинг қўйилган қисман совхоз ишчилари, комсомол ёшлар, хотин-қизлар ташкил этмоқда. Район партия ташкилотли Оҳангароннинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига раҳбарлик қилаётган етакчи сиёсий куч бўлиб қолди. Район ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг 78 фоиз коммунистлар эканлиги ҳам бу фикрнинг асосли эканлигини таъқидлаш турибди. Қолаверса, қишлоқ шўролари депутатларининг салкам ярми КПСС аъзоси. Корхона ҳўжалиги ва ташкилотлар раҳбарлари орасида коммунистлар салмоғи 96 фоизни ташкил этади. Районда ишловчи ҳар 10 кишининг биттаси коммунистдир. Бу эса район партия ташкилотли зиммасига улкан масъулият юқлайди. Уни мавжуд муаммоларини бартараф этиш борасида кенгроқ излаш, энг шимариб фаолроқ ишлашга даъват этади. Ҳозирги иқтисодий таъ-

Мамлакатимизда ҳўкм сураётган ҳозирги мураккаб сиёсий вазиятда партиянинг сиёсий ва маъмурият соҳаларида олиб борилаётган фаолият қўламини янада жонлантириш, уни имкони борида жонлантириш катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ва Тошкент вилоят партия қўмитасининг Ижтимоий-сиёсий маркази қўшида фаолият кўрсата бошлаган «Учрашувлар» клуби ҳам айнан шу вазифаларни ўз олдида мақсад қилиб олган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг қарорига биноан ташкил этилган мажлис клуб машғулотларини ҳар ойнинг учинчи шанбасида Тошкент вилоят партия қўмитасининг мажлислар хонасида ўтказиб туриш режалаштирилган. Унинг иш дастуридан «Ўзбекистон янгилашган Иттифоқда. Сиёсий суверенитет ва иқтисодий мустақиллик муаммолари», «Алишер Навоий — улуг ўзбек шоири ва мутафаккири», «Бозор муносабатлари: зарурат, моҳият, ўтиш йўллари», «Қўпмиллатли Ўзбекистон: дўстлик, биродарлик ва ўзаро ёрдам», «Ўзбекистон Компартияси янгилаш йўлида», «ДХК ва ошқоралик» каби ўнлаб мавзулар ўрин олган. Машғулотлар мобайнида турли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммолар борасида фикр алмашиш, жумҳуриятдаги таъқидли сўзлар арбоблар, турли соҳа мутасаддиларининг бу борадаги мулоҳазаларини тинглаш, улар билан бевосита мулоқотлар уюштириш режалаштирилган.

«Учрашувлар» клуби машғулотини Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитасининг котиби К. Ю. Юсупов бошқариб боради.

Суратларда: минбарда Н. А. Муҳиддинов; машғулоти бошланғич арасида.

Суратқаш В. ТУРАЕВ.

(Давоми 2-бетда).

## УЛАР МАНГУ БАРҲАЁТ

БўСТОНЛИҚ РАЙОНИДА ХАЛОҚ БЎЛГАН  
БАЙНАЛМИЛАЛ-ЖАНГЧИЛАР ХОТИРАСИГА ЕДГОРЛИК ОЧИЛДИ

Афғонистон яралари қалбларда ўчмас доғ қолдириб. Фарзанд фироғида доғ солган ота-оналар учун бу алам бир умрга татигуликдир.

Биргина Бўстонлик ноҳиясидан 26 оила фарзандидан айриди. Уларнинг қўнчилиги ҳали турмуш лазазатларидан, ҳаёт инъомларидан татиб улгурмасданок Афғонистон деб аталмиш ўт олов ичига ташландилар. 26 оила ўғлининг темир тобутини қўнганча бўлаб қолди. Жанжон фарзандлар ақллари танимасдан ота меҳридан жудо бўлдилар. Ҳаётликларда кимгадир танилиб, кимгадир танилмаган бу ўғлонлардан келажакка нима қолди? Хотира қолди... Ҳа, абадий хотира қолди.

Бўстонлик ноҳияси комсомол қўмитаси ташаббуси билан Газалкент шаҳри марказида бу мард ўғлонлар хотирасига ўрнатилган ёдгорликларининг очилиш маросимига деярлик барча қатнашди. Бевақт нобуд бўлган юртдошлари руҳларини шод этиб, уларга таъзим қилиш учун бўстонликлар қўларига ёш, қўларига гул билан шаҳар марказига тўпландилар.

Ёдгорлик очилиши маросимига бағишланган митингнинг халқ депутатлари ноҳия Кенгаши раиси, ноҳия қўмитасининг биринчи котиби А. Ю. Йўлчиев очди. Сўзга чиққан ноҳия комсомол қўмитаси биринчи котиби Н. Қур-

банов, ноҳия ҳарбий комиссари Қ. Б. Бўрибоев, ноҳия уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгаши раиси муовини Г. Муҳиддинов, ҳалок бўлган жангчи оинаси К. Исмоилова, ноҳия байналмилал жангчилар Кенгаши раиси И. Йўлчиев, ноҳия имом хатини А. Жўраев ва бошқа ўрғонлар ҳалок бўлган жангчиларнинг порлоқ хотираси ҳақида гапирдилар. Янгилашлар бир дақиқа сукот сақлаб, уларни эста олдилар.

Ҳарбий намоийш бошланди. Вертолётлар самодан гулдасталар ташлади. Таклиф этилган аскарлар саф тортиб ўтдилар. 26 ўғлон исми, фамилиялари номма-ном ўйилганда қалблар жуншубга келди. Оиналар тулар билан юракларининг бир парчасини ёдгорлик пойига қўйдилар гўё. Бу маросимдан сўнг Янгилашлар ҳалок бўлган баҳодирлар хотирасига атаб таъйёрланган оша таклиф этилдилар.

Ёдгорликнинг очилиш маросимида вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси С. Мамарасулов иштирок этди.

Г. УМАРОВА.

Суратларда ҳалок бўлган жангчилар хотирасига бағишланган ёдгорликнинг очилиш маросими акс эттирилган. Суратқаш В. ТУРАЕВ.



МУМИНОВ  
АБДУСАМАТ  
АБДУМУРОТ УЛЫ  
1964 — 14.01.1984

ХАЙИТБОВ  
БАХТИЁР  
ДИЯ-ҒИЛИ  
03.12.5 — 12.1984



# АВВАЛО ИНТИЗОМ ВА ИШЧАНЛИК БЎЛСИН

(Давомий. Боши 1-бетда).

турбиди. Саноат корхоналари шу йилнинг 5 ойи мобайнида шартнома мажбуриятлари асосида 2 миллион 939 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилмади. Район партия комитети бу масалани буюр мажбурият қўриб чиқиб, саноат корхоналаридаги таълимнинг баргараф этиш юзасидан коммунист раҳбарларга амалий ёрдам ва тавсиялар берди. Йилнинг III чораги якунида бўйича бу масалага яна қайтиш режалаштирилди.

Район иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги асосий ўрнини эгаллади. Шунинг учун ҳам пленумда район қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга, хўжалик раҳбарлари ва коммунистларнинг топирилган иш улашларини учун масъулиятини охирига, белгиланган режаларни тўла-тўқис бажарилишини таъминлашга эътибор қаратилмоғи лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Бозор иқтисодиёти етти қўлга келган ҳозирги шартда аҳолининг иқтисодий ҳаётини янада яқинлаштиришга, уларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга район партия комитетининг доимий диққат марказида бўлмоғи лозим. Бунинг учун аввало бошқа вилоят ва жумҳуриялар билан иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш лозим. Товар айриб олинган йўли билан районга озиқ-овқат, саноат маҳсулотлари, хом ашё,

бошқа материаллар келтирилишига эришиш зарур. Районда бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Мол айриб олинган асосий қозғонинг Қочқовчи, Қизил-Урда вилоятлардан 90 тонна гўшт, минг тонна картошка келтирилди. Узаро тузалган шартномага асосан яна шу вилоятлардан 500 тонна бугдой, 300 тонна шол, қорамол ва йилка олинди. Ворошилов ва Соиб Раҳимов номи совхозлар ва Хонобод буюқчилик базаси ҳам юқорида тилга олинган вилоятлардаги хўжаликлар билан товар айриб олинган юзасидан узаро битимлар имзоландилар.

Район партия комитети иқтисодий муаммоларни ҳал этиш борасидаги фаолиятта ҳам алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Олганда Оқ-Тўғай иқтисодиётида кейинги 70 йил мобайнида фақат иқтисодий замонвий мактаб қўрилди. Район марказий касалхонаси қурилганга 20 йил бўлади. Буни нима билан изоҳлаш мумкин? Соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият, савдо ва маънавий қиёмат объектларининг қурилишидаги суғиналар бундан ҳам бошқа эътиборсизлик ва ҳарфаланганлик билан қаралганидан, иқтисодий эса районда иқтисодий маданият иншоотлар қурувчи биронта ҳам таъкидланган йўлга қўйилган йўналиш билан изоҳланади. Район партия комитети хўжалик-саноат конференциясида кейинги бу масалага бир қанча иқтисодий шўгулла билан бошладилар Оҳангаронда

қурилиш трести ташкил этишга муваффақ бўлиди. Хозирги кунда районда 3778 ўқувчига мўлжалланган бешта мактаб бинолари қурилиш охирига борилади. Бу йил Оҳангарон ва Ичкилоқ қишлоқларида 1251 ва 417 ўқувчи мактаб бинолари, «ВЛКСМ 50 йиллари» ва «Раҳимов номи совхозларда» болалар бочаси, С. Раҳимов номида «Галлақудуқ» совхозларида қишлоқ клуби фойдаланишга топширилди. Яқинда «Галлақудуқ» совхозинда савдо маркази қурилиш тугалланди. Ундан ташқари районда бешта мактаб, учта боча қурилиш учун лойиҳа ҳужжатлари тайёрланмоқда. Эивалек қўриқларида қурилатган 150 ўқувчи касалхона ва 200 беморни қабул қиладиган поликлиника қурилиш ишлари яқинда битказилди. Шундай касалхона ва поликлиника Телов қишлоғида ҳам қурилди. Район марказий касалхонаси қурилушида ҳам қишлоқ станицялари бинолари, шаҳарда 1,5 минг ўқувчи ўйингоҳ қурилиши жадвал олиб борилади. Бу ишларнинг барига район коммунистлари бошқорилиши мумкин.

Район партия комитети коммунист раҳбарлар, бошқариш партия ташкилотлари эътиборини ҳар бир маҳалла-кашнинг иқтисодий ҳаётини янада охирига, қорамол ва йилка қишлоқларида оқиллик дармад қўламларини кенгайтиришни таъминлашга қаратилган. Коммунистлар ташаббуси билан корхона ва хўжалик-

ларда бу борада дастлабки тадбирлар амалга оширилмоқда. Мисол учун «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш биноларида ишчи ва ходимларга тушлик оқиқат учун 2 сўм 30 тиындан пул берилмоқда. Шу мақсадда бу йил 1 миллион 700 минг сўм сарфланади. Бу биноларда ва «Галлақудуқ» совхозинда ишчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, соғлиқни сақлаш, дам олишни уюштириш бўйича жуда кўп ибратли ишлар қилинапти. Мазкур жамоаларнинг бошқариш партия ташкилотлари фаолиятини бошқариларга ўрнатилган курсатса арзийди.

Пленум давомида музокараларда сўзга чиққан «Галлақудуқ» совхоз ижарачиси А. Комилжонов, «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бинолари бош директори, СССР халқ депутати А. П. Федоров, «Дўстлик» қишлоқ Кенгашининг раиси, район хотин-қизлар кенгашининг раиси Б. Мамадинова, Ворошилов номи совхоз директори Ш. Умаров, «Оҳангарон» совхоз партия комитети котиби Ф. Шероф, уруш ва меҳнат фахрийлари район кенгаши раиси М. Давронов ва бошқалар кун тартибидagi масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, район партия ташкилоти нуфузини янада ошириш, ҳар бир коммунист ўз зиммасидаги масъулиятини қўпроқ ҳис этиш ва янада фалолроқ ҳаракат қилиши учун партиявий таъсирнинг қандай имкониятларидан фойдала-

# Халқнинг талаби ўринли

ниш лозимлиги хусусида таъкид ва мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Пленумда шу кунги ташкилий масала ҳам қўриб чиқилди. Бошқа ишга ўтганликлари ва район ҳудудидан қўчиб кетганликлари сабабли райкомнинг бир неча аъзолари ўз аризасига мувофиқ райком аъзоси вазифасидан озод қилиндилар ва улар ўрнига янги кишилар сайландилар.

Шуни айтиб ўтиш керакики, пленум иштирокчилари қўпроқ ишлаб чиқариш соҳасига оид муаммолар ва иқтисодий курсаткилар таҳлили берилиб кетиб, район партия комитетининг партиявий-сиёсий ва мафкуравий соҳасидаги фаолиятига кам тўхталдилар. Ваҳоланки, бу соҳа барча партия ташкилотлари учун муҳимдир. Пленум иштирокчилари райондаги бошланғич партия ташкилотлари олдига турган сиёсий кураш бобидagi, мафкуравий фаолият соҳасидаги вазифалар хусусида, бу борада шу пайтгача олиб берилган ишлар ҳақида қўпроқ фикр юритсалар яхши бўларди. Қолаверса, иқтисодиёт соҳасида қилинган ишлар ҳақида гапирилганда кам аксарият қўлга киритилган ютуқлар қўпроқ тилга олинди. Камчиликлар, йўл қўйилган хатолар тўғрисида кам гапирилди. Таъкид этилди, ўткир чиқишларга эса партия ташкилоти фаолиятини янада жонлантиришни тасаввур этиш қийин.

Пленум қўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Пленумда Узбекистон Компартияси Тошкент қўроқ комитети биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси С. М. Мамарасулов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

**ИСТАМИЗМИ** йўқми, бозор иқтисодиёти ҳама соҳада ўз ҳукмини ўтказма бошладими. Хозир катта шов-шув сабаб бўлган охириги даражага тушди. Чамаси анча кўнгиб қолди. Лекин бу бугун одамларни тақчиллик қўпроқ ташвишга солмоқда. Саноат ва бошқа молларнинг, буюмларнинг тақчиллигига маълум муддат чидаса бўлади, лекин озиқ-овқат таъминотидаги тақчилликнинг асорати оғир бўлади. Шу нуктадан нызардан бу маҳсулотларга талоннинг жорий этилиши бир томондан тўғри бўлди. Чунки ҳар ким ўзига тегишли молни олиши мумкин. Иқтисоддан, бу дўконларда ташмачилик, яшириб сотишнинг, сунъийликнинг олдини олиши. Аммо ҳамма нарсага натижа бўлиб, хўш, жойларда таъминотнинг аҳоли қандай ўзи?

Ана шу савоалга жавоб топиш учун Бўка районидagi бир неча савдо дўконларида бўлдим. Одамлар, раҳбарлар билан суҳбатлашдим.

— Гуруч, ун ва бошқа маҳсулотларни олиб туришимиз,— дейди Угуз Ватан уруши иккинчи гуруҳ ноҳирани, меҳнат фахрийси Хайдар ота Мамбетов.— Лекин озиқ-овқатнинг қандай бўлиши мумкин. Иқтисоддан, бу дўконларда ташмачилик, яшириб сотишнинг, сунъийликнинг олдини олиши. Аммо ҳамма нарсага натижа бўлиб, хўш, жойларда таъминотнинг аҳоли қандай ўзи?

Ана шу савоалга жавоб топиш учун Бўка районидagi бир неча савдо дўконларида бўлдим. Одамлар, раҳбарлар билан суҳбатлашдим.

гўшт ва туҳум маҳсулотлари берилмаётганлиги ҳисобига ўсимлик ёғи нормасини ошириш керак. Булардан ташқари дўконлар орқали таъминланган болалар болаларига ҳамда халқимизнинг маросимлари ҳам кўзда тутилганлиги тақсимотда қўшимча муаммоларни вужудга келтирилди.

Ҳақиқатан ҳам райондаги мавжуд аҳоли сонини ҳисобга олганда жон бошига 7 килограммдан ун бериш учун бугун ажратилаётган унга оғир яна 128 тонна қўшимча ажратилиши лозим. Гуручта бўлган эҳтиёж 70,1 тонна, амалда эса 64 тонна берилмоқда. Июнь ойида бир килограмм ҳам макарон олимаганлигини одамларга нима билан изоҳлаймиз?

Аслида бундай муаммолар фақат Бўка районига хос эмас. Махкурриятга келадиган муқаббарлар, бўлаётган қўриқлар ҳам бунинг иқтисодиди. Бизнингча, таъминотни тақчилликдан маҳсулотларни қайтадан қўриб чиқишлари ва унда аҳоли сонини, тўғи-ҳашамларини, турли маъсаладорини ҳам ҳисобга олишлари керак. Албатта, биз бу билан район раҳбарларини оқламоқчи эмасиз. Чунки бу ерда савдо тармоқларида маҳсулотларни яшириб сотиш, харидорлар ҳақида уриб қилиш, сунъийлик оғир факторлар мавжуд. 1991 йилнинг биринчи чора тизимига тегишли раиснинг савдо қўриқлари бузилганлиги аниқланди. Умумий оқлашнинг муассасалардаги аҳолини ҳам қондириш деб бўлмайди. Тўғри, район Кенгаши ва штаби айдорларни жазоламоқда. Бир неча савдо доҳим ва раҳбар вазифасидан четлаштирилди. Лекин бугун халқ раҳбарларининг ишига бир нарсга билан — дўконлардаги аҳолга қараб баҳо берилади. Шундай экан, энг аввало районда иқтисодий имкониятларини ишга солиш, савдога тартиб ўрнатилиш, тақсимотда адолатни таъминлаш ҳаммасидан муҳимдир.

## АҲОЛИ ТАЪМИНОТИ «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НАЗОРАТИДА

Ҳафтанинг ҳар душанбасида штаб йиғилишида ана шу масалаларни муҳокама қилинмоқда. Мутасаддиларнинг ҳисоботлари эшитилмоқда. Аммо аҳолининг талабини тўлиқ қондирилмаганини. Ички имкониятларини тўлиқ ишга солишда ҳам эътиборни кучайтиришимиз зарур.

Лекин бизни бугун бошқа нарса қўпроқ қийнамоқда. Сабаби дастлабки ҳисоб-китобда вилоят ташкилотларига районда 82 минг 700 киши яшаш қўрсатилган. Бизга ана шунга кўра маҳсулот ажратилмоқда. Ваҳоланки биз қайта ҳисоб-китоб ўтказганимизда 87 мингдан ортиқ киши бориши аниқланди. Шу тариха ажратилган фондларни жон бошига ҳисоблаганда нормадан анча кам бўлиб қолмоқда. Масалан, ун 5,3 килограммдан, гуруч 857 граммдан, шакар 590 граммдан, макарон маҳсулотлари 140 граммдан тузи келяпти. Биз барча ҳисоб-китобларимизни халқ депутатлари вилоят Кенгашига ва иқтисодий қўроқга юбордик. Лекин ҳал бўлмади.

Шу ўринда яна бир масалани қўриб чиқиш керак. Қишлоқ районларида ер-

## Хўжаликда КИЧИК КОРХОНА

Оҳангарон ноҳиясидаги Ворошилов номи давлат хўжалигида яна тартибда ўзгаришлар содир бўлди. Район партия ташкилоти нуфузини янада ошириш, ҳар бир коммунист ўз зиммасидаги масъулиятини қўпроқ ҳис этиш ва янада фалолроқ ҳаракат қилиши учун партиявий таъсирнинг қандай имкониятларидан фойдала-

## У. АБДУШОҲИДОВ, «Тошкент Ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

Мен ишлаётган дўкон 150 хонадонга хизмат қилади,— дейди 7-дўкон сотувчиси Р. Бадамши.— Талон бўйича беришимиз. Аммо оғир бўлади. Юрчиликда, ун-бунини сўраб келишди, берилмайсиз. Ўзин ойдан оқиди, қора чой йўқ. Макарония умуман олганмиз йўқ. Қолган маҳсулотларни амаллаб туришимиз.

Ҳай, майли. Бу маҳсулотлар савдо дўконлари орқали олинди. Аҳолини сабабот, мева ва бошқа қишлоқ хў-

## ЧИРОЙЛИ ГАЗЛАМАЛАР КЎПАЯДИ

Тошкент Тўқимачилик комбинатининг ўймакорлиги янги иш усулини ўзлаштириш олдиди. Натияжада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати анча кўтарилди. Бу ерда пардозлик фабрикасида ўрнатилган чет эл ускуналарини учун ўйма андозлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Йилга

Тошкент Тўқимачилик комбинатининг ўймакорлиги янги иш усулини ўзлаштириш олдиди. Натияжада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати анча кўтарилди. Бу ерда пардозлик фабрикасида ўрнатилган чет эл ускуналарини учун ўйма андозлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Йилга

янги ускуналарга натта умид боғлашмоқда. «Заурессит» немис фирмаси комбинатга ана шу ускуналарни етказиб берди. Ускуналар ўрнатиб бўлинганидан сўнг нусхага кўчирилган, кўпайтирилган машиналарнинг ишини компьютер назорат қилади, бу эса ишлаб чиқариш жараёнини анча энгиллаштиради, кўл меҳнатини тугатишга ёрдам беради.

## «Ўқитувчи—91»

Яқинда Тошкент вилояти халқ таълими ходимларининг малака ошириш йилмоғида ноҳия шаҳар методик хоналар ходимлари, йилмоғи тингловчилари билан Бутуниттифоқ «Ўқитувчи—91» кўриги қўлиб, Минск шаҳар 49 сонли ўрта мактабининг физика ўқитувчиси, Белоруссия ССЖ маориф аъзоси Валерий Александрович Горбутов билан учрашув бўлиб ўтди.

В. А. Горбутов — Минск давлат педагогика йилмоғини тамомлаган. Шу мактабда 30 йилдан бери улуғлик 6—11 синфларда ўқувчиларга физика фанидан сабоқ бериб келди. У тинимсиз ва излашувчан ўқитувчи. У ўз педагогик фаолиятини билим ўзини бирга олиб боради. Ўзининг кўп йиллик тажриба ва қузатувлари асосида «Физика фанини ўтишда руҳий — педагогик усуллари тақомиллаштириш» деган мазмунда илмий иш яратди. Учрашувни йилмоғи ректори, Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси а. бошқарманинг муовини Дилбар Жаллилова Малжова очди.

В. А. Горбутов йилганларига «Ўқитувчи—91» кўригининг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида батафсил сўзлаб берди ҳамда бой педагогик тажрибаси билан ўртоқлашди. У курс тингловчилари методик хоналар ходимларини таъминлаш билан кўпгина самовларига жавоб берди.

Учрашув сўнгинда В. Горбутовнинг педагогик тажрибалари асосида олинган

## Ғолиб билан учрашишди


«Фойдали ўйинлар» видеофильмининг томоша қилдилар. Учрашув қизиқарли ва таъсирчан ўтди.

Валерий Александрович билан шундай мулоқот вилоят халқ таълими бошқармасида ҳам бўлиб ўтди.

С. МУСАХУЖАЕВ.

СУРАТЛАРДА: Бутуниттифоқ «Ўқитувчи—91» кўриги қўлиб Валерий Александрович Горбутов ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси бошқарманинг муовини, вилоят ўқитувчилар йилмоғининг ректори Дилбар Жаллилова Малжова билан Валерий Александрович Горбутов билан суҳбат қилишганда.

Сураткаш В. ТУРАЕВ.



# СЕССИЯ ҚАРОРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

26 ИЮН куни бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят Кенгаши раёсатининг навбатдаги йиғилишида ундан ортиқ масала қўрилди. Лекин уларнинг ичида биттагина — «Халқимиз биринчи чориги» янги депутатлари вилоят Кенгаши учинчи сессиясининг Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг «Келажакимиз — мактабда» мууроаати асосида вилоят халқ таълими моддий-техника базасини яқинлаштириш юзасидан тадбирлар тўғрисидаги қарорини бамаъни бўйича халқ депутатлари Кенгаши ва Янгиёул район Кенгашларининг иши ҳақида»ги масала менг мувозаара сабоқ бўлди. Бу бежиз эмас. Вилоятимизда мактаб ва болалар бочалари қурилиши, уларнинг моддий-техника таъминотини мустақамлаш ҳамон ўтир бўлиб қолмоқда.

Вилоят Кенгаши раёсатининг йиғилишида бу ишни райондаги аҳолининг қўриб чиқиши бунга яна бир бор ақоқол ибоблади. Тўғри, учинчи сессиядан кейин Калинин ва Янгиёул районларида бу масалага эътибор бирмунча кучайди. Масалан, Калинин районидagi 1991 йилда 6 та мактаб қурилиши бошланди. Бундан ташқари яна 7 та мактаб, 4 та болалар бочаси қурилиши юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди. Ўқув муассасаларининг моддий-техника таъминотини яқинлаштириш, ўқувчиларни иссиқ оқиқат билан таъминлаш ва кам дармадлик одамлар учун қўшимча маблағлар ажратилди. Президент Фармони асосида ўқитувчиларга шикоятлар яратилди, зарурликка ер участкалари берилмоқда.

Янгиёул районидagi ҳам бу борада амалга оширилётган бир қанча ишларни таъкидлаш мумкин. 2 та мактаб қурилиши ниҳонсига етмоқда. Яна 4 та мактаб қурилмоқда. Булардан ташқари 10 та бино учун лойиҳа ҳужжатлари тайёрланди. Ўқув муассасаларининг моддий-техника таъминотини яқинлаштириш учун илгарилари йилга 300 минг сўм маблағ ажратилган бўлса, 1991 йилда 800 минг сўмга кўпайтирилди.

Аммо йиғилишда таъкидланганидек, ҳар иккала райондаги аҳоли халқ талабига жавоб бермайди. Бу районларда вилоят Кенгашининг учинчи сессия материаллари жуда кечиккиб қўриб чиқилди. Белгиланган тадбирларнинг қўчилиги умумий ҳаракатга эгадир. Мана бу рақамларга эътибор бериш: Калинин районидagi 19 та мактаб типовой биноларга жойлашган. 20 та мактаб эса мустақамлашган биноларда. 7 та мактаб авария ҳолатида. 1991 йилда райондаги умумий болаларнинг 48 фой-

зигина бочаларга жойлаштирилди. Мактаб ўқувчиларининг 32 фойизи иссиқ оқиқат билан таъминланган, холос. Бир қатор мактабларда устакхоналар етимилади, спорт заллари, ўқув зали, ўқув-тажриба участкалари ҳам таъкидланган қолмоқда. Бу ерда ўқувчиларнинг 38 фойиздан ортиқ иқтисодий сменана ўтказилди.

Йиғилуш районидagi ҳақиқий аҳоли ҳам бундан яхши эмас. Маънавий 55 та мактабдан 18 тасинга замонавий биноларга жойлашган. 48 та мактабда 10,2 минг ўқувчи иқтисодий сменана шуғулланмоқда. Бу районда 15 та авария ҳолатидagi мактаб ақарачон қайта қуришга муҳтож. Мактаблар ҳузуридаги охиригида жойлар таъминоти бор-йўғи 21 фойизни ташкил этади. Бошқа қилиб айтганда ўқувчиларнинг 16 фойизи иссиқ оқиқат билан таъминланмоқда.

ларига ажратилаётган маблағ масаласига жуда тўғри эътироз билдириди. Бу муассасалар учун 1990 йилда 31 миллион сўм ажратилган бўлса, 1991 йилда ҳам шунча пул берилди. Ахир бозор иқтисодиёти шартинда бу намлик қилди-ку! Шунинг учун бу муассасаларга яна намлик 20 миллион сўм қўшимча маблағ ажратилиши ўйлаб қўриш керак. Мактаблар ва болалар бочалари қурилишини жаддалаштириш учун махсус қурилиш трести тузиш ҳақида ҳам гап бўлган эди. Афсуски, у халқимиз ташкил этилмади. Бугунги кундаги аҳоли ана шу трестни тузиш жуда зарур эканлигини қўрсатиб турипти. Бундан ташқари мактабларга моллийнинг мустақиллик бериш билан боғлиқ масалалар ҳам ҳал этилмади. Хусусан Калинин ва Янгиёул районлари мактабларининг бирортасида халқ

вилоятда ишлаб чиқилган «Қишлоқ мактаби дастури» районларида оммалаштирилмади? Нега айрим районларда 20—25 та мактаб қурилади-ю, бошқасида биронта ҳам бино қўйилмайди? Шундай бир факт келтирилди: агар вилоятимизда мактаблар қурилиши ҳозирги суръатда бокс 50 йилдан кейин ҳам иқтисодий сменана ўқитиш тугата олмас эканми.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раёсатининг биринчи котиби раис С. Сайдалиев ўз сўзини маблағ масаласига қаратди. У бугунги кунда ички имкониятлардан самаралироқ фойдаланиш кераклигини айтди. Хозир хўжаликнинг, корхоналар ва ташкилотлар бошқа жумҳуриялар, вилоятлар билан бартер усули бўйича материаллар айриб олинмоқда. Қурилиш материаллари олиб келишмоқда. Ана шуларнинг 5 фойизини мактаблар ва болалар қурилишига ажратиш мумкин-ку! Бунга ҳар бир хўжалик ва ташкилот ҳисобга олмоғи, фақат айриб олинган маҳсулот бермоғи шарт. С. Сайдалиев махсус трест ташкил этиш ҳақида тўхталди: «Бу трестни шундай тузайликки, у бақувват бўлиб, ҳақиқатан ҳам кескин сўлжиш қилиш имкониятига эга бўлсин. Ас ҳолда яна мақсадга эриша олаймиз», деди.

Раёсат йиғилиши Калинин ва Янгиёул район Кенгашларининг бу борадаги ишлари қизиқарсиз деб топди. Шунингдек, район Кенгаши раёсатининг ва район иқтисодий қўроқлари ва район иқтисодий қўроқлари билан кенг. Энди ҳамма гап яна иқтисодий тақсимотда.

Шу ўринда раёсат йиғилишида жойлардаги Кенгаш ва Шўроларга билдирилган эътирозлар ўрилди. Нега улар бугунги кунда энг долзарб бўлиб турган бу масалага эътибор бермаётганлар. Ўз сессияларида, йиғилишларида муаммоларни муҳокама қилимаётганлар. Сессия қарорларининг бажарилишини назорат қилимаётганлар?

Ҳа, мактаб ва болалар бочалари масаласи зудлик билан уларга муносабатини тугабан ўзгартиришни талаб қилмоқда. Вилоят партия комитети биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси С. Мамарасулов таъкидлаганидек, мактаб — бу келажакни белгиловчи бош масалалар. Мамлакат энг оғир кўнларда ҳам бу масалага эътиборни суғайтирган эмас. Шундай экан, сессияда қўриб, депутатлар қабул қилган ҳар бир қарорни амалга ошириш, бажариш ҳаммамизнинг ишидир.

## ХАЙРИЯ УЮШМАСИ

Оққўрғон районидagi «Нодирхон домла» масканида

хайрия уюшмаси тузилди. Бу уюшмага 200 дан ортиқ киши аъзо бўлди. Уюшма аъзолари ёрдамга муҳтож кишиларга моддий ва маънавий кўмак бериш ишлари билан шуғулланадилар. Ҳар ойда тўланадиган ба-

дал пули 1 сўмни ташкил қилиб, бу пуллар моддий ёрдам курсатиш учун ишлатилади. Хайрия уюшмасининг жамғармасига йирилган дастлабки маблағ моддий ёрдамга муҳтож бўлган ўрин-

бой ота Мамантоев, Қорасочиб Шерматов, Абдуқоки ота Эргашевлар учун ажратилди. Уларнинг ҳар бирига 50 сўм пул ва биттадан шолча берилди.

А. НАВИХУЖАЕВ, А. ТОЖИЕВ.

М А В З Е
МАДАНИЯТ
У Й И Д А

Пойтахтнинг Чилонзор районидagi 13-мавзеда жойлашган 3-маданият уйи ўқувчилар таълими муносабати билан яна гажумлашди...

ГУВОҲНОМА
ТОПШИРИЛДИ

Шу йили бир гуруҳ муралчилар қатори Оржоникидеё районидagi 9-мактаб ўқитувачиси Тулепберген Умаров ҳам «Республикада хизмат кўрсатган халқ ўқитувачиси» унвани билан муқотланган эди...

Янги шеърлар

НЕ ТОНГ

Эй кўнгли, назминга мажлис, даврон аро қонса не тонг,
Кун келиб меҳринг ўтиди шамдонда шам ёнса, не тонг...

...ТУПРОҚДУРМЕН МЕН

Дилнинг ҳаммомига гўлоҳдурмен мен,
Вазми жамшид аро гўроҳдурмен мен,
Ишим куш озғига дон термак эрур...

...МЕЗБОНГА НЕ НАФ?

Тарих тоғонини исқаб чаёллар,
Нишларин саячшар набатна-набат.

Оёгин кўтариб босар аёллар,
Ниш санчган чибин ҳам бугун валломат,
Буюк Теурирн ҳам чақиб асрлар...

Тебраниб кўчадан тобут ўтар жим,
Елкадан-елкага олар одамлар,
Нотаниш бўлса ҳам, савоб иш учун...

РУБОИЙЛАР

Воҳ, чархнинг астару аврасини кўрдим,
Даҳрнинг турфа хил даврасини кўрдим,
Қайдан ақлийн устун эрса кўз,
Маоши юнуга ҳаммасини кўрдим...

Оғажиз — тегирион, янчу тинишиса,
Ўтказ икки тишин санчу тинишиса,
Тўхтамас фаноинг тегириони ҳам,
Ўртада эришкучу ганж, кур тинишиса...

Курраи на кафе, тўзоқ эмасдур,
Онг бирла умиди ҳам узоқ эмасдур,
Борлиқ биллиб қўйсин, бизнинг қилмиш
Бутламоқ, — тилламоқ, — буамоқ эмасдур!

Турсун МУҲАММАД

ЁҚУБ
МОРДУХАЕВ



Жумҳуриятда хизмат кўрсатган юрист, меҳнат ва партия фахрийси Ёқуб Мордухаев оғир хасталиқдан сўнг 76 ёшида вафот этди...

Ё. Мордухаев турли рўзномаларнинг жамоатчи муҳбири сифатида ҳам кенг жамоатчиликка яхши танилган...

Расул ҒУЛОМОВ, Аъзам АБДУВАЛИЕВ, Эркин ИСМОИЛОВ, Муртазо ИСМОИЛОВ, Раҳматжон НАЗАРАЛИЕВ, Жўра САЪДУЛЛАЕВ, Нўмон НАСИМОВ.

ЭЪЛОНЛАР
БУРЧАГИ

«ГЕНЕРАЛ-ЭКСПОРТ»

(БЕЛГРАД)
ЮГОСЛАВИЯНИНГ ЕТАКЧИ ТАШҚИ САВДО ФИРМАСИ

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кабинети ҳузуридаги Ёнгил саноат хом ашёси ва маҳсулотлари билан таъминлаш ва сотиш Бош бошқармаси

ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ

1991 йил 1 июлдан 5 июлгача
ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХУЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КўРГАЗМАСИДА ЎТҚАЗИЛАДИГАН

«ГЕНЭКС-ЭКСПО-1991»

ТАҚДИМОТ-КўРГАЗМАСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИЛАР

БИЗНИНГ ТАКЛИФЛАРИМИЗ: пойабзал, кийим-кечаклар, электроника, пардоз буюмлари, уша-эликлар, дори-дармонлар, озиқ-овқатлар, болалар оққатлари, тўқимачилик иплари, қурилиш материаллари, гўшт, сутни қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қурилмалари, нововихоналар, совутиш комбинатлари, сазваотлар ва меваларни, тошни қайта ишлаш бўйича қурилмалар, еишт фабрикалари билан таъминлаш, шунингдек, касалхоналар ва меҳмонхоналар қурилиши ва уларни жиҳозлаш...

Тошкент вилояти тайёрлов ва ширкат савдоси бошқармасига («Ташобхлоопзаготторг») қарашли

НОҲИЯ ВА ШАҲАР ТАЙЕРЛОВ ВА ШИРКАТ САВДОСИ БОШҚАРМАЛАРИ

АҲОЛИДАН

Тирик вазнда йирик шохли қорамол, қўй ва чўқани шартнома асосида харид қилиб олади ва уларнинг эвазига ёнгил автомашина, телевизор, холодильник, кир ювиш машинаси ва тикув машинаси БЕРАДИ

ХАРИД НАРХЛАРИ ҚУИДАГИЧА: (тирик вазнда 1 кг. га)

Йирик шохли қорамол — 4 сўм 90 т.
Майда мол (қўй) — 4 сўм 20 т.
Чўққа — 3 сўм 85 т.

Машина ва юқоридаги қайд этилган маданий моллар 1991 йил давомида бериллади.

БЕРИШ ТАРТИБИ ҚУИДАГИЧА: (тирик вазнда):

«Жигули»-ВА3-21063 учун — 12 тонна;
«Москвич-412» учун — 8 тонна;
«Запорожец» учун — 4 тонна.
Телевизор учун — 400 кг.
Холодильник учун — 200 кг.
Тикув машинаси учун — 160 кг.
Кир ювиш машинаси учун — 50 кг.

НИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР!
Агар Сиз ўрта Осиёдаги энг йирик корхоналардан бири бўлишни Тошкент авиация ишлаб чиқариш бirlамасида меҳнат қилмоқчи ва машинасозлик олий билимгоҳида таълим олмақчи бўлсангиз

8-ТАЖРИБАВИЙ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА УҚИШГА КЕЛИНГ!

Бу ерда Сиз учун аппаратларни йиғувчи-чилангар, механика-йиғув ишлари чилангари, саноат ускуналарини таъмирловчи чилангар, рақамли дастур воситасида бошқариладиган дастгоҳларнинг оператори, токар, фрезерчи, кенг қамровли дастгоҳчи касбларини эгаллаб чиқишигиз мумкин.

Таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.


9-СИНФЛАРНИ БИТИРУВЧИЛАР ТАЖРИБА ГУРУҲИДА УҚИЙДИЛАР ВА 2 ЙИЛ ДАВОМИДА ЎРТА МАЪЛУМОТ ҲАМДА КАСБ ЭГАСИ БУЛАДИЛАР.

Бир йиллик гуруҳлардаги 9-синф битирувчилари ишчи малакасини эгаллайдилар.
11-синфин битирувчилар ойнага 115—150 сўм микро-рида стипендия олиб ўқийдилар ва 6 ой давомида 4 б эгаллаб чиқадилар.

Ушб даврида ўқувчилар овқат, кийим-бош билан таъминланадилар. Улар Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бirlашмасига марашли пансионат ва профилакторийда дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамлашлари мумкин.

Ушб вақти меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади.
Билим юртини «аъло» баҳолар билан битиришлар машинасозлик олий билимгоҳига ўқишга юбориладилар.
Совет Армияси сафарларида хизмат қилиб қайтган бошқа шаҳарлик ўқувчиларга ётоқхонадан жой бериллади.

Билим юртига қўйидагича борилади: 10, 23, 27-трамвайлар; 18, 48, 97-автобуслар; 1, 10, 14, 18, 24-троллейбусларнинг «Ленинград» меҳмонхонаси» бекати.
Маъзалими: 700128, Усмон Юсупов кўчаси, Авиация тор кўчаси, 10-уй. Телефонлар: 41-57-54.



ПОЙТАХТИМИЗДА
«Орол болаларига ёрдам» дастури асосида Қорақалпоғистондан келган болалар салооматлиги назорат қилинмоқда.
Беморларни ўрта Осиё медицина пединатрия илмоғи шифохонисида даволаш йўлга қўйилди.

ФУТБОЛ: ОЛИН ЛИГА
ЎЙИН БОШҚА, НАТИЖА БОШҚА

Якшанба кун СССР чемпионатида ягона учрашув ўтказилди. Торпедочилар Москвада Тошкентнинг «Пактакор» командасини қабул қилдилар. Учрашув тўлалигича «ойна жохон» орқали олиб кўрсатилди. Уни томоша қилган миллионлаб футбол мухлислари ўзини бутунлай «Пактакор» устунлигиде ўтганининг гўвоҳи бўлдилар. «Пактакор» шу кунин сафардаги энг яхши ўйналаридан бирини намойиш қилди.

Учрашув ҳақами ўзининг бошида майдон эгалари дарвозасига ҳақли 11 метрлик жарима тўпини белгилаганда кий билди, учрашув қандай натижа билан якулланади? Бироқ торпедочилар ўз жарима майдонларида Рифат Галвиевни чақиб йиқитдилар ҳам ҳақанинг ҳуштаги чалинмади. «Пактакор» шунга қарамасдан ҳужумини давом эттирди. Пятиччилик, Шкварин бир неча бор куй имкониятдан фойдалана

Table with columns: МУСОБАҚА, ЖАДВАЛИ, У, Ю, Д, М, Т, О. Rows include MASK, Торпедо, Шахтер, Арарат, Спартак М, Динамо МН, Динамо К, Днепр, Черноморец, Локомотив, Помп, Металлист, Динамо А, Металлург, Спартак Вл, Пактакор.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ДА БОСИЛГАЧ
«КИМГА ФАРЗАНД КЕРАК?»

Ушбу сарлавҳа билан рўзноманиннг 20 июнь сонинда эълон қилинган мактуб муштарийлар ўртасида баҳс ва тортишуларга сабаб бўлди. Матбулик, унда 14 йилга Лайло исмли қизин ким ўзинга фарзанд қилиб олиши тўғрисида илтимос баён этилган эди.

Мақола чиққан кунни эртасига муҳарририятга бир аёл кириб келди. — Мен кечаги мақола бўйича Лайлони асраб олмамоқчи эдим. Фақат, манзилгоҳини эълон қилмасам бўладими? — Усини Лайло сизни топа олмайд.

— Ундай бўлса майли. Фақат маълум муддат ўтгач, ота-онаси унинг келиб Лайлони олиб кетмаса бўлди. — Кеҳирасиз, фарзандларингиз борми?

— 2 ўғил, 2 қизим бор. Қизларим эгзак. Бироқ ташлаб кетмаётган фарзандларга бефарқ бўлмайман. Янгида ҳам телевизорда болалар уйдани Ҳасан-Зухрани кўрсатишди. Норасидаларнинг жовдиранган кўзларини кўриб чидаб тура олмадим. Дарҳол Тошкентга келдим. Кун бўйи уша болалар уйини ахтардим. Ҳамшаҳарларимизга ҳам балли. Ураганларимдан бирортаси болалар уйини билаймади. Ниҳоят бир инсофли таскини қош қорайганда олиб борди. Бироқ шунча уринишларим бекор кетди. Болалар уйи рақбарни фалон жойга бординг, фалон навбатга туринг деб роса сарсон қилди.

Ушандан бери ўзинга келмайдиган юрган эдим, кечаги мақолага қўзим тушиб қолди. Ярам қайтадан тирнаниб кўз ёшларини кўрсатди. Лайлонинг асраб олинишига рози бўлдилар. Хатда тошкентлик ота-оналар ейлибди. Бироқ ота-она учун жойинг аҳамияти бўлмас керак. Лайло қизим хоҳласа ҳар кун Тошкентга олиб келама.

— Раҳмат, Мухтабар она, Лайлони қайси уйга олиб боришларингиз керак? — Ўстонилик район, Тошкент қўрсони, Туркестанская кўчасидаги 72-уй. Шу кун, эртасига ва индинга ҳам муҳарририятга келиётган кишиларнинг кети узилмади. Энг қизини, уларнинг ҳаммаси аёллар ва энг муҳини деярли ҳаммасининг фарзанди бор. Бироқ уларнинг бақиртаси ҳам Лайлонинг тақдирига бефарқ эмас. Фақат кўнгли бозини манзилгоҳларига эълон қилмасликларини сўрашди. Лекин ҳаммалари манзилгоҳларини муҳарририятда қолдиришди. Уларини ҳам тушуниш мумкин...

Муҳарририятга келган мақола бу аниқ манзилгоҳли кишиларга қўйилган. «Сизни 20 июндаги «Кимга фарзанд керак?» мақолагинга, Лайло бизга керак. Манзилгоҳини: Бўша шаҳри, Вобур кўчаси, 30-уй, Хурматов Махмудова. Телефоним: 35-112. Хабар беришигларни кутаман».

ЧЕТ ЭЛ САФАРИДА
Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри ҳамда «Ўзбекистон юдузлари» камер оркестри жамоалари яқинда Таиландда гастролда бўлдилар. Санг

Тошкент ҳақиқати БИЗНИНГ ТОШКЕНТ. ГСП 700000 МОСКВА. ЛЕНИНГРАД КҲЧАСИ, 32. Мухаррир уринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337918; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб уринбосарлари — 325750; бўлимлар: мафкура — 325778, 337010; кишлоқ хўжалиги — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749; махаллий Кенгашлар ҳаёти — 325733; ижтимоий масалалар — 325558; маданият — 325787; адабиёт ва санъат — 325553; ёшлар ҳаёти, ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик ва спорт — 325645; хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.